

1. Умумий қоидалар.

1.1. "Шўъба хўжалик жамиятини ташкил этиш ва/ёки сотиб олиш тартиби" (бундан буён матнда қоидалар деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Ушбу қоидалар жамият томонидан Шўъба хўжалик жамиятини ташкил этиш ва/ёки сотиб олиш тартибини белгилайди.

1.3. Жамият оффшор зоналарда Шўъба хўжалик жамиятини ташкил этиш, оффшор зоналарда рўйхатдан ўтган Шўъба хўжалик жамиятини, шунингдек, оффшор зоналар ҳудудида жойлашган ёки оффшор зоналарда рўйхатдан ўтган юридик шахслар акциядорлари (иштирокчилари) бўлган юридик шахсларни сотиб олиш ҳуқуқига эга эмас.

2. Атамалар ва таърифлар.

2.1. Шўъба хўжалик жамияти - ҳуқуқий жиҳатдан мустақил, лекин устав капиталида бошқа (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкатнинг ҳиссаси 50% ва ундан ортиқ улушга эга бўлган хўжалик жамияти.

2.2. Қарам хўжалик жамияти – устав капиталида 20 фоиздан 50 фоизгача улушга эга бўлган жамият.

3. Жамиятнинг шўъба ёки қарам корхоналари учун мезонлар.

3.1. Шўъба ёки қарам хўжалик жамиятлари қуйидаги фаолиятни амалга ошириши мумкин:

- 1) машинасозлик,
- 2) автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш,
- 3) микромолиялаш фаолияти;
- 4) инвестиция фондлари фаолияти;
- 5) компания Уставига мувофиқ бошқа фаолият турлари.

Жамиятнинг шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари ўз фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа битимларни амалга оширишга ҳақли.

3.2. Жамият томонидан ташкил этилган шўъба хўжалик жамияти фақат ушбу низомнинг фақат 3.1-бандда кўрсатилган фаолият турларини амалга ошириши мумкин.

3.3. Жамият томонидан ташкил этилган шўъба ёки қарам хўжалик жамиятлари Қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши лозим бўлган

фаолият турларини амалга ошириш учун тегишли ваколатли давлат органининг лицензияси олингандан сўнггина фаолиятни амалга оширади.

3.4. Жамият томонидан ташкил этилган шўъба ёки қарам хўжалик жамиятлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилади.

3.5. Жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарисида (низомнинг 1.3 бандида белгиланган талаблардан ташқари) сотиб олинган ёки ташкил этилган шўъба ва қарам корхоналари Тартибнинг 3.1-бандида кўрсатилган фаолиятни агар Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган халқаро шартномада белгиланган тартибда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шўъба ёки қарам хўжалик жамияти жойлашган жойдаги хорижий давлатнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тақдирда амалга оширадилар.

3.6. Жамиятнинг шўъба ёки қарам хўжалик жамияти:

1) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олинаётган жамиятнинг шўъба ёки қарам хўжалик жамиятлари барқарор молиявий ҳолатга эга бўлиши, охириг икки йил давомидаги молиявий ҳисоботлари мустақил аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор) томонидан тасдиқланган бўлиши керак;

2) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида сотиб олинаётган жамиятнинг шўъба ёки қарам хўжалик жамияти барқарор молиявий ҳолатга эга бўлиши, охириг икки йил давомидаги молиявий ҳисоботлари мустақил аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор) томонидан тасдиқланган бўлиши керак;

3) Қуйидагилар сотиб олинаётган ёки ташкил этилаётган шўъба ёки қарам хўжалик жамияти раҳбарлари ва бош бухгалтери бўлиши мумкин эмас:

- иқтисодий ва мансаб вазифаларига зид ҳаракатлар содир этганлиги учун судланган бўлса, ушбу судланганлик олинмаган ва муддати тугамаган бўлса;

- суд қарори билан уларга шўъба ёки қарам хўжалик жамияти фаолияти соҳасида ишлашни тақиқловчи (муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш) айбдорлик ҳукми чиқарилган ёки ушбу соҳада жиноят содир этганлик учун айбдорлик ҳукми чиқарилган бўлса;

- расмий тарзда нотўғри ишбилармонлик обрўсини кўрсатувчи маълумотлар мавжуд бўлса.

3.7. Шўъба хўжалик жамияти, таъсисчи жамиятга тегишли бўлган унинг акциялари ҳажмидан қатъий назар, жамият акция (улуш) ларига ҳар қандай шаклда, шу жумладан гаров ва ишонч (ишончли бошқарув) эгалик қила олмайди.

4. Жамият томонидан шўъба ёки қарам хўжалик жамиятларни ташкил этиш ва/ёки сотиб олиш.

4.1. Жамият охириги уч йил давомида зарарсиз ишлаган, қарор қабул қилинаётган даврга молиявий ҳолати барқарор бўлса шўъба ёки қарам хўжалик жамиятини сотиб олиш ёки ташкил этишга ҳақли ҳисобланади.

4.2. Шўъба ёки қарам хўжалик жамиятларини ташкил этиш ва/ёки сотиб олиш тўғрисидаги қарор жамият Кузатув Кенгаши томонидан қабул қилинади.

5. Жамиятнинг шўъба ёки қарам хўжалик жамиятини тугатиш.

5.1. Жамиятнинг тегишли бўлган шўъба ёки қарам хўжалик жамиятлари Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Жумладан:

- Кузатув кенгаши қарорига асосан;
- Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан;
- Ўзбекистон Республикасининг суд органлари қарорига асосан;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўрсатилган бошқа ҳолатларда.

5.2. Жамият тегишли бўлган шўъба ёки қарам хўжалик жамиятларини тугатиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган шўъба ёки қарам хўжалик жамиятлари жамиятнинг шўъба ёки қарам хўжалик жамиятлари жойлашган мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тугатилиши лозим.